



Эълон

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
«...Яхшиликларга шошилинг» (Моъжа сураси, 48-оят)

**ISLOM.UZ - 1441 ТАНЛОВИ
ТЕСТ МУСОБАКАСИ**

ТЕСТДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ?

 <p>7 дақиқа давомида 10 та тест саволлари берилади.</p>	 <p>Тўғри жавоб учун 1 ҳасанот берилади.</p>	 <p>7 дақиқа ичида жавоб берилган саволларгина хисобга олинади.</p>	 <p>Савол берилиши вақтида жавобни манбалардан қидириш мумкин эмас.</p>
---	---	--	--

ТЕСТДА БИР КУНДА БИР МАРТА ИШТИРОК ЭТИШИНГИЗ МУМКИН

**БИР ИШТИРОҚЧИ ФАҚАТ БИТТА НОМ БИЛАН ИШТИРОК ЭТИШИ КЕРАК.
ТАНЛОВ ЯКУНИДАГИ ТЕКШИРИШДА ТУРЛИ ХИЛ НОМЛАР БИЛАН ИШТИРОК
ЭТГАН ФОЙДАЛАНУВЧИНИНГ НАТИЖАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ТЕСТЛАРГА ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН ҚАЙСИ
МАНБАЛАРНИ ЎҚИШ КЕРАК?**

Тест саволлари islom.uz да бериб борилаётган
АҚИЙДА, ҚУРЪОН, ҲАДИС, ФИҚҲ, СИЙРАТ, ТАЗКИЯ
дарслари асосида тузилган.


ISLOM.UZ

ТАНЛОВ 2019 ЙИЛ 6 НОЯБРГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.

11:13 / 30.10.2019 1697

Маълумки, islom.uz портали 2019 йил 25 ноябрь санасигача Islom.uz-1441 танлови тест мусобақасида иштирок этиш учун танлов эълонини берган эди.

Рабиул аввал ойи оламлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топган муборак ойлاردан ҳисобланади. У зотнинг муаттар сийратлари ифорини кенгроқ таратиш мақсадида юртимизда ҳар йили мавлид маросимларини ўтказиш мухлис кишилар ўртасида урфга кирган. Бу йил ҳам Шайх ҳазратларининг фарзандлари, шогирдлари Устоз жорий қилган йиллик мавлид тадбирни ўтказишни режалаштирганлар.

Шу муносабат билан Islom.uz-1441 танлови тест мусобақаси натижаларини маълум қилиш санаси **2019 йил 6 ноябрь** кунига ўзгартирилганини эълон қиламиз.

Сиз азиз мухлисларга танлов тест мусобақаси қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтаман:

Islom.uz-1441 тест мусобақаси қоидалари:

- 7 дақиқа давомида 10 та тест саволлари берилади.
- Тўғри жавоб учун 1 ҳасанот берилади.
- 7 дақиқа ичида жавоб берилган саволларгина ҳисобга олинади.
- Савол берилиш вақтида жавобни манбалардан қидириш мумкин эмас.
- Тест ҳар ойнинг 1 санасидан 25 санасигача давом этади. (Ноябрь ойида эса **1 ноябрдан 5 ноябргача** давом этади ва ойлик натижалар ҳисобланади.

Баҳолаш қуйидаги тизимда амалга оширилади:

Ҳар ойнинг 1 кунидан 25 кунигача (милодий ой ҳисобида), ойлик босқич ўтказилади. Ойлик босқичдаги энг яхши ҳасанот тўплаган 10 та иштирокчига йиллик ҳасанот берилади.

1 ўрин - 10 та ҳасанот;

2 ўрин - 9 та ҳасанот;

3 ўрин - 8 та ҳасанот;

10 ўрин - 1 ҳасанот.

10 ўридан пастдаги натижалар учун ҳасанот берилмайди.

Ойлик босқич сўнгида иштирокчиларнинг ҳасанотлари тенг бўлиб қолса:

Ким камроқ имкониятда ҳасанот тўплаганлигига қаралади.

Мисол:

10 марта қатнашиб 100 ҳасанот олган - 1 ўрин.

11 марта қатнашиб 100 ҳасанот олган - 2 ўрин.

Ундан кейин ҳам ҳасанотлар тенг бўлиб қолса, қайси иштирокчи эртароқ ҳасанот тўплаганлигига қаралади. Ойлик босқичда олинган ҳасанотлар, йиллик ҳисобга қўшиб борилади ва йиллик ҳисоб натижаларига кўра ғолиб аниқланади. Йиллик ҳисобда иштирокчиларнинг ҳасанотлари тенг бўлиб қолса ҳам ойлик ҳисобдаги каби қаралади.

Тестда бир кунда бир мартаба иштирок этиш мумкин. Бир иштирокчи фақат битта ном билан қатнашади. Танлов якунидаги текширишда турли хил номлар билан иштирок этган фойдаланувчининг натижаси бекор қилинади. Тест саволлари islom.uz сайтида бериб борилаётган «Ақийда», «Қуръон», «Ҳадис», «Фиқҳ», «Сийрат», «Тазкия» дарслари асосида тузилган.

Islom.uz портали